

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ХАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тасвир

№ 91 — 92

(2628 — 2629)

1993 йил

19 НОЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА



САМАРҚАНД вилояти ички ишлар бошқармасида хизмат қилишадиган бу милиция ходимлари жорий йилда хизмат фаолияти юзасидан энг яхши кўрсаткичларга эришганлар. Уларнинг жамоа ўртасида обрў-эътиборлари катта. Ўзаро баҳс-мунозара юритишнинг ишга катта ёрдам бериши табиий бир ҳоллигини улар жуда яхши билишади.

СУРАТДА: вилоят ИИБ тергов бўлими бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори Зиёдулло Умаров, жиноят-қидирув бошқармаси бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори Курбон Рустамов, жиноятларнинг олдини олиш хизмати бўлими катта нозири, милиция майори Раҳматилло Маъруповлар.

С. ЗОХИДОВ
олган сурат.

... Октябрнинг охириг яшанбасида Тошкентда ҳаводан булут аримади. Кун бўйи ёмғир ёғадиган ҳаво бўлсада, лекин у ёғади. Айтмоқчи, шаҳар ИИББ навбатчи қисмида ҳар доим, ҳатто яшанба кунлари учун ҳам оддий бўлган қизғинликка об-ҳавонинг ҳеч қандай таъсири йўқ эди. "02" бўйича телефон қўнғироқлари озроқ бўлгани ва тезкор вазиятнинг ҳолати ҳақида раҳбариятга камроқ ахборот бериб турилганини айтмасак, шу кунги ҳеч қандай гайритабиий ҳодиса юз бермади. Аста-секин қоронғу туша бошлаган эди, тўсатдан...

Нохуш ҳоллар доим тўсатдан юз беради, улар қанчалик кўпроқ нохуш бўлса, шунчалик қаттиқроқ гулдурган момақалдиروқни эслатади. Навбатчи операторнинг ахборотиға ишониш мумкин эмасдек эди, у кимнингдир аҳмоқона ҳазилини эслатарди.

Телефон қилган киши Юнусобод даҳасининг 13-мавзесидаги хонадонлардан бирида автоматдан қаторасига ўқ узилганини эшитганлиги тўғрисида хабар қилган эди.

Тезкор навбатчи А. Солошенко воқеа юз берган жойга қўчайтирилган нарядни юборган бўлсада, сўз қандайдир тушунмовчилик тўғрисида бораётди деб ишонарди. Афсуски...

Бир неча жойинга ўқ теккан эркак кишининг мурдаси, касалхонага олиб кетилаётганида йўлда вафот этган аёл, ўқсиз гильзалар, деворлардаги ўқ излари — буларнинг ҳаммаси полициячилар тўғрисидаги чет эл фильмини эслатарди. Лекин бу кинодан давҳа эмас эди — экспертиза бу ерда Калашников автоматидан отишганини тезда аниқлаб берди.

Тезкор тергов гуруҳи жуда қисқа муддат ичида ҳалок бўлган кишининг шахсини аниқлашга муваффақ бўлди — эркак киши аввал ҳам судланган, қамоқдан қайтгандан кейин ҳам ўз турмуш тарзини ўзгартирмаган шахс бўлиб чиқди. Спиртли ичимликлар унинг ўз умрининг охириг соатларида нима билан шуғулланганидан дарак бериб турарди. Аёл эса унинг яқин таниши бўлса керак. Гувоҳлар ва расом ёрдамида қотиллик қилиши мумкин бўлган кишининг ташқи қиёфаси тикланди. Бу ишларнинг ҳаммаси тез ва аниқ-пухта бажарилди, чунки ҳар бир милиция ходими — ИИББ бошлиғидан тортиб ҳайдовчи милиционергача — "Калашников" кўтарган

жиноятчи шаҳарда юганини, ҳар бир дақиқа ганимат эканлигини жуда яхши англади. "02" наряди старшинаси рация орқали тезкор навбатчиға автомат қуролдан фойдаланганлиги факти тасдиқлангани ҳақида хабар бериши билан алоҳида хавфли жиноятларни тутиш бўйича махсус режа амалга оширила бошланди.

Рация, телефон ва телетайплар ташвишли хабарни бир зумда керакли жойларга тарқатдилар, минглаб милиция ходимлари оёққа турдилар.

Оқ түсли "Жигули"

Жиноятчининг эҳтимол бўлган белгиларини ёзиб олган ва уни топишга доир хатти-ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни эшитган пайтда патруль-пост хизмати ротасининг командири, милиция катта лейтенанти Ф. Музаффаров айни у қотил билан юзма-юз келиши ва бандитни тирик ҳолда кўрган охириг киши бўлиши ҳақида ўйламаган бўлса керак.

...Кеч соат саккизларда Тошкент яқинидаги туманлардан бирида "Москвич" ҳайдовчисига автоматдан фойдаланилган ҳолда қароқчиларча ҳужум қилингани маълум бўлди. Бир оз вақтдан сўнг улкан шаҳарни қоплаб олган милиция нарядлари жиноятчи ўзи қўлга киритиб олган оқ түсли "Жигули"да эканлиги тўғрисида хабар олдилар. Юзлаб рациялар ана шу автомобиль номери қандай рақамлардан иборат бўлиши мумкинлиги тўғрисида хабар берарди.

Жуда ҳам хавфли одам ўтирган ана шу енгил машинани топиш қийин эмас эди. Лекин кейин нима қилиш керак? Агар куч ишлатиб операция ўтказилса, ҳайдовчининг ва Тошкент кўчаларидаги тасодифий йўловчиларнинг ҳаёти хавф остида қоларди. Ортдан изма-из милиция машиналари келаётган оқ түсли "Жигули" Фуқат ва Ўзбекистон кўчалари туташган жойга келганда қўлга тушириш операцияси бошлаб юборилди. Бунда гоётада эҳтиёткорлик талаб қилинарди. Каскалар, қалқой ва зирҳли ки-

йимлар жиноятчини шубҳага солиб қўйиши мумкин эди, автомат кўтарган қотил ҳеч нарсадан тап тортмаслиги кўриниб турарди. Шунинг учун оқ түсли "Жигули"ни йўл-патруль хизматининг одатдаги наряди тўхтади. ДАН нозири, милиция катта старшинаси Турсункулов хизмат йўриқномасини бузиб, машинага яқинлашиб ўтирмади, балки ҳайдовчига ишора қилиб, ўз ёнига келишини таклиф қилди. Машинадан чиққан кекса ҳайдовчи ДАН ходими олдиға оҳишта юриб келиб, ўз ҳужжатларини узатди.

Операциянинг биринчи босқичи муваффақиятли ўтди — ҳайдовчи машинадан чиқди. Одатдаги текшириш, агар жиноятчи машинанинг ичида ўтирган бўлса, уни қўчишиб қўймаса керак.

"Жигули" тўхтаган жойга бир неча дақиқадан сўнг патруль машиниси келиб тўхтади, у машинанинг ўтиш жойини тўсиб қўйди ва ДАН нозири билан ҳайдовчини машинадан ажратиб юборди. Ундан шошилмай Фахриддин Музаффаров чиқди ва ДАН нозири билан худди икки ошна тўсатдан учрашиб қолгандек қуюқ сўраша кетди.

Оқ "Жигули" бир четда турарди, лекин унинг ичида одам бор-йўқлигини узоқдан туриб аниқлаш мумкин эмас эди. Узининг патруль машинасини четлаб ўтиб, Музаффаров гўё бехосдан қилгандек "Жигули"га яқинлашди ва орқа ўриндиқда букчайиб ўтирган эркак кишини аниқ-равшан кўрди.

Музаффаров хотиржамликини сақлаган ҳолда ўзининг "Нива"сига ўтирди ва рация орқали тезкор штабга юзага келган вазият ҳақида овозин пасайтириб туриб, хабар берди. Ушлаш тўғрисида буйруқ олди. Фахриддин Фаттоҳович кейин эътироф этганидек, у ўзнда кўркувни ҳис этмаган эди — ўқталган автоматга юзма-юз бўлиши кераклигини биларди, уйда уни хотини ва уч қизи кутаётганини, энг кичик қизи эндигина

ШУ СОНГА ХАБАР

Милиция ходимларининг имтиёзлари сақлаб қолинди

Республика ИИБ ижтимоий-молиявий таъминот хизматидан олинган хабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1993 йил, 9 ноябрдаги № 16/34 — 162 сонли қарори билан милиция ходимларига берилган имтиёзлар сақлаб қолинди. Шу қарорга асосан, милиция ходимлари жамоат транспортларида бепул юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳукуматнинг бу қарори тўғрисида "Ўзавтотранс" корпорацияси ва "Тошшаҳарйўловчтранс" уюшмасига маълум қилинган.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ёки икки гап билан

ЎҒРИ ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Самарқанд шаҳридаги "Мусаффо" пайчилар жамиятининг 3-тикув цехидан 110 минг 784 сўмлик 40 метр духоба ўғирланган. Ўғри Гагарин маҳалласида яшовчи И. Улаш деган шахс бўлиб чиқди.

ЭШИКБУЗАР

Навий шохқўчасида яшовчи Ирина Бережнаянинг эшигини бузиб, уйига ўғри тушди ва кийим-кечаклари, қимматбаҳо нарсаларини ўмариб кетди. Қўрилган тадбирлар натижасида ўғри — Рудакий қўчасида яшовчи А. Михаил деган шахс қўлга олинди.

БЕЗОРИНИНГ "ЖАСОРАТИ"

Тойлоқ тумани "Элпак" жамоа хўжалиги Галаботир қишлоғилик Ж. Хамид ҳамқишлоғи Х. Сафаровни болохонадор қилиб ҳақоратлаб, хўжалик идорасининг 10550 сўмлик ойналарини чил-чил синдирган. Безори ўз қилмиши олдида бўйни этилиб қолди.

ЧЕТ ЭЛ НАШАСИ ТОПИЛДИ

Тойлоқ тумани "Сой" қишлоғилик, Самарқанддаги АТЭКнинг ҳайдовчиси И. Сулаймон уйдан бир ярим килограммлик хинд нашаси — марихуана топилди. Сулаймон ҳозирда сўроқ қилинмоқда.

ЮЛҒИЧЛАР

"Зарафшон" АСИЖсига қарашли дўкон сотувчиси С. Олим харидорни 5180 сўмга алдаётган пайтида тўрға илинди. Боғишамол туманидаги дўкон сотувчиси Н. Суҳроб эса 27 коп ун сотиб, харидорларни 29000 сўмга туширган.

Салоҳиддин ЗОХИДОВ,
Самарқанд вилояти ИИБнинг шахсий таркиб билан
ишлаш хизмати катта нозири, милиция майори.

икки ойлик бўлганини унутмаган эди...

Милиция катта лейтенанти Музаффаров бир қадам юришга улгурди — оқ "Жигули"нинг олдидаги ойнасидан автомат ўқлари тасирлатиб отилди.

Қонга беланган Фахриддин рация мембранасига "Бизга қараб отишайпти, ярадорман..." деб қичқиришгагина улгурди ва беҳуш йиқилди.

Ўқлардан бири ДАН нозири М. Турсункуловга теғди. Лекин асосий ишни қилишга улгуришди —

"Жигули" ҳайдовчиси ва милициянинг бошқа ходимларига автомат ўқи теғмади. Милиция ходимларига қаттиқ қаршилик кўрсатган, аввал бир неча марта судланган К. отишма пайтида қаттиқ яраланди ва шу жойининг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Унинг автоматидан ана бешта патрон бор экан...

Ҳозир Ф. Музаффаров ва М. Турсункулов даволанаётган касалхонада бизга айтишларича, пичоқдан ёки ўқдан яраланган милиция ходимлари бу ерга, афсуски, кўп келтирилган экан. Музаффаров ҳам, Турсункулов ҳам ҳозир анча соғайиб қолдилар.

— Энди ўз касбиятига қандай муносабатдасиз? Милицияда хизмат қилаётганингиздан афсусланмаяпсизми?

— Ҳеч қачон афсусланмаганман, касбин тўғри танлаганман, деб ҳисоблайман, — ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди Фахриддин Фаттоҳович. — Чинакам эркаклар учун кулфатдаги кишиларни ҳимоя қилишдан, агар зарурат туғилса, зарбани ўзига қаратишдан ҳам аълороқ иш бўлмаса керак!

Лекин автомат билан боғлиқ воқеага қайтсак. Бу борада бир талай саволлар тўпланиб қолган.

Ушамашўм кунда Юнусободдаги хонадонда қандай воқеа юз берган эди? Ниме учун "Жигули"нинг ҳайдовчиси ДАН нозири билан суҳбатлашаркан, машинада автоматли йўловчи ўтирганини на сўз, на имо-ишора билан билдирмади? Ва, энг асосийси, қандай қилиб жиноятчининг қўлида даҳшатли қурол пайдо бўлиб қолди?

Саволлар, саволлар... Энди уларга тергов жараёнида жавоб топилади.

В. ГОРР,
милиция майори.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Маҳмуд Бобомуродович Бекмуродов билан музоҳаба

МУХБИР: — Республикаимиз мустақил деб эълон қилинган, ДАН ўз фаолиятини белгилан, йўналтириш учун қандай ишларни амалга оширди?

М. БЕКМУРОДОВ: — Жамияти нарсалар ўз негизига эга. Истиқлолга эришганимизга қадар собиқ СССР ИИБнинг "чизган чизигидан" юришга мажбур эдик. Уларнинг "чизигида" на шароитимиз, на миллийлигимиз, на урф-одат ва на қадриятларимизга заррача яқинлик йўқ эди. Шуларни ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда аввало ДАН фаолиятини белгилан, йўналтирувчи ўз қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга киришилди.

Янги қонун ва қоидаларни тайерлаш жараёнида сунъий мураккабликлар, ғализлик, беҳуда оворагарчилик, ортикча сўрвномалар, кераксиз жадвал ва рўйхатларга имкони борича чек қўйилди. Ҳар бир ҳужжатнинг ҳаётий, аниқ, содда ва тушунарли, энг муҳими бажарилиши мумкин бўлишига жиддий эътибор берилди.

"Давлат автомобиль назорати Низомининг" янги матни замон талабларига мослаб ишлаб чиқилди. Хусусан, жойлардаги ДАН идораларининг ҳуқуқ доиралари кенгайтирилиб, масъулияти оширилди. Таркибий қисми ҳам маъмурий амалиёт, суриштирув, қидирув, шахсий таркиб билан ишлаш, моддий таъминот каби соҳалар билан мукамаллаштирилди.

Мазкур Низом тасдиқланган кунни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат автомобиль назорати кунини деб эълон қилиш кўзда тутилди.

Атроф-муҳитни турли автомашиналарнинг захарли чиқиндиларидан муҳофаза қилиш борасида экология муаммолари бўлимининг таъсир доираси кенгайтирилди. Замонавий техник воситалар билан таъминлаш ишлари жаддалаштирилди. Жумладан, бир қанча қўшимча экологик постлар, кўчма лабораториялар ташкил қилинди. Улар ўша жойнинг ўзида атроф-муҳитга кўп миқдорда захарли газ чиқиндилари чиқараётган автомашиналарни таъмирлашмоқда. Бу эса фуқароларимизга жуда қулайлик тугдирмоқда. Ортиқча оворагарчиликнинг олди олинмоқда.

"Йўл-патруль хизматида доир Қўлланма", "Транспорт воситасини боқаришга рухсат этиш, имтиҳон қабул қилиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш тартиби ҳақида"ги Низом талаблари воқелиқдан, замона руҳи, ҳодимларнинг жисмоний имконияти даражасидан четга чиқмаган, ҳайдовчилар, фуқароларнинг кадр-қиммати, республикалараро, чет давлатлар билан бўлажак алоқалар назарда тутилган доирада ишлаб чиқилди.

Ҳайдовчиларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида транспорт воситаларига қўшимча енгил идиши ўрнатиш, баландлиги эвазига юкхона ҳажмининг кенгайтириш каби йиллаб ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди.

"Йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш, техник воситаларни ўрнатиш, фойдаланиш ва жорий этиш ҳақида"ги ҳужжат устиди ишлар эканмиз, айрим йўлларга бундан неча ўн йиллар муқаддам қўйилган, бугунги кунда аҳамиятини йўқотган, кераксиз йўл белгиларининг борлиги аниқланди. Вақтинча ўрнатилиб, сўнгра умуман "эсдан чиққан" чеклов ва тақиқлар олиб ташланди.

Биргина Тошкент шаҳрида ўтказилган тафтишлар натижасида 288 та ана шундай "эсдан чиққан" белгилар аниқланиб, олиб ташланди. Уларнинг 148 таси юқори тезликни,

95 таси тўхташни, 45 таси тўхтаб туришни асоссиз тақиқларди.

Бугунги фаолиятимизда йигирмадан ортик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланилмоқда. Собиқ Иттифок Ички ишлар вазирлиги томонидан ДАН соҳаси бўйича қабул қилинган буйруқ ва кўрсатмалар тўлиқ бекор қилинди.

МУХБИР: — ДАН ходимлари билан ҳайдовчилар ўртасидаги муносабат азалдан бахтсиз. Ҳайдовчи ҳамиша ДАН ходимидан "норизо". Бу хусусда фикрингиз?

М. БЕКМУРОДОВ: — Ўртадаги муносабатнинг қай тарзда эканлигини идорамизга келатган фуқаролар ҳамда хатлардан ҳам би-лиш қийин эмас. Ҳолбуки, фаолиятимиздаги ютуқ, камчиликларимизни вақтида кўрсатувчи, ўқитиб-ўргатувчи бир мезондир булар. Халқимиз бекорга "халқ баҳоси — ҳақ баҳо" демаган.

ДАН ходимларининг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари ҳақида шу йилнинг ярим йили мобайнида 201 та ариза ва шикоятлар тушган. Шулардан 54 таси бевосита ДАН ходимларининг муомаласи бўйича.

Айрим ходимларнинг ўта кўполлиги, маданиятсизлиги, ўз бурчини билмаслиги, ҳатто таъмагирлигини тан олиш керак. Шундай тоифа ходимлар ҳайдовчиларнинг бир сониялик эътиборсизлиги туфайли одамлар ҳаётига зомин бўлиши мумкин бўлган воситани бошқараётганини унутиб қўйди. Энг ачинарлиси, ҳайдовчининг кимнингдир отқиси, кимнингдир турмуш ўртоғи, қолаверса, шу юртимизнинг фарзанди эканлигини тан олгиси келмайди.

Яхши муомала ҳам бир санъат. Қондабузар ҳайдовчига ҳурматини жойига қўйиб, ҳамиятига тегмасдан, қонундан, бурчидан, борингки одамлиқдан четга чиқмаган ҳолда йўл қўйган хатосини босиқлик билан тушунтириш мумкин-ку, ахир. Бу-нинг усти гап қонунда айбдорга жазо белгиланган. Лекин уни камситиш, ҳақоратлаш борасида ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган.

Бироқ "қарс икки қўлдан" чиқади. Аксарият ҳайдовчилар ҳаракатланиш қоидаларига нописандлик қилишади. Тўхтатган ДАН ходимига аввал яли-ниб-елворишади, кўндиrolмагач, ҳақоратга ўтишади. Бу "хунари" ҳам ўтмаса, кўрқок олдиндан мушт кўтарар қабилида устидан ёзишга ту-тинади. Очигини айтиш керак, айрим фуқароларда қонундан кўрқиб ҳисси бору уни ҳурмат қилиш ҳисси шаклланмаган. Эҳтимол, бу фуқароларнинг ҳуқуқий билим даражаси пастлигидандир. Биринчидан иккинчиси устивор бўлганда эди, жамиятимиз қанчалик фойда кўрарди.

МУХБИР: — Йўлларда аҳвол қандай?

М. БЕКМУРОДОВ: — Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан бу йилнинг шу даврида йўл транспорт ҳодисалари 1605 тага камайган. Автоҳалокатлар натижасида ҳалок бўлганлар 310, жароҳатланганлар эса 1797 нафарга камайган.

Республикаимизда 1539061 шахсий, 388672 та халқ ҳўжалигига қарашли автомобилотранспорт воситалари мавжуд.

Ўтган йилнинг тўққиз ойидаги таҳлилларга кўра ҳар мингта шахсий автомобилотранспортларга 4,3 та, халқ ҳўжалигига қарашли транспорт воситаларига 4,8 та автоҳалокат тўғри келган бўлса, шу йилнинг шу даврида ҳар минг шахсий автомобилаларга 3,7, халқ ҳўжалиги транспорт воситаларига 3,9 та ҳодиса тўғри келди.

Ҳайдовчилар орасида тарғибот, йўлларда эса назорат ишларига

алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо қондабузарлиқнинг камайиши ку-тилган даражада эмас.

1993 йилнинг 9 ойи мобайнида ҳодимларимиз томонидан 1831741 қондабузарлик аниқланган. Шундан спиртли ичимлик истеъмол қилиб транспорт бошқарганлар 34838 тани ташкил қилади.

Ушбу ҳолат кўпгина ҳайдовчиларнинг ҳанузгача тегishi хулоса чиқариб олмаганликларидан далолат беради.

МУХБИР: — ДАН ходимларининг маънавиятини юксалтириш, замон талабларига ҳамоҳанг қадам ташлашлари учун нималар қилинмоқда?

М. БЕКМУРОДОВ: — Биз мустақил давлат фуқароларимиз. Мустақиллик шарофати билан борлиққа, тарихимизга, маънавиятимизга, инсонга муносабат ўзгармоқда. Талаб ва эҳтиёж даражаси кун сайин ўсмоқда. Бу эса ҳар биримиздан тинимсиз изланиш, ҳаракат, тиришқоқликни талаб этади. Чунки бизлар мустақиллик пойдеворининг илк қурувчиларимиз. Ҳамма нарсаси ўзимизга боғлиқ.

Тўғри, ишимизда камчиликлар йўқ эмас. Бироқ хато қилишдан кўрқиб, фурсатни бой бергунча хатоларда кўзни пиштириб, ақлни пешлаган афзал. Донолар "хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир", деб бежиз айтишмаган. Агар жамиятимиз учун, халқимиз учун фойдаси тегса, ундай ишларга ик-киланмай қўл уриш керак. Бунинг учун эса аввало ҳар бир ходимнинг мустақил фикрлашига имкон яратиш, унда, миллий ифтихор туйғуларини шакллантирмоқ лозим. Ҳукуматимиз иқтидор, имкониятларимизни намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Хусусан, ички ишлар ходимларига қатор ҳуқуқ ва имти-езлар берилди. Бироқ буларнинг давлат манфаати, халқ манфаати йўлида берилганини, уни оқлашимиз зарурлигини еддан чиқармаслигимиз керак.

Биз шу юртнинг ажралмас бир бўлаги эканлигимиздан фахрланишимиз, юртимиз, элимизга фидойи бўлишимиз, ходимларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз лозим.

МУХБИР: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқига муносабатингиз?

М. БЕКМУРОДОВ: — Нутқда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти ҳақида айтилган салбий фикрлар биргина Сирдарё вилояти ички ишлар идораларига тегishi бўлмай, балки ҳар биримизга ўринли сабоқдир. Бу халқимиз тинчлиги ва оқсоийшалигини қўриқлаш йўлида бел боғлаган милиция ходимларидан ишга масъулият билан ёндашиш, я-нигча муносабатда бўлиш, эртанги кун талаблари нуктаи назаридан ҳисоблашишни тақозо этади.

Ўз манфаатини ўйлаб, энг яхши нарсаларни халқига, ватанига раво кўрмайдиган шахс кечанинг одами. Бугунга эса ўзига, билимга ишонган, шу азиз тупроғини яшнатиш учун бирор ибратли юмушни амалда бажара оладиган фидойи инсонлар керак.

Бу ишда аввало бурчига содиқ ми-лиция ходимлари ўрнатилган бўлмоғи лозим. Негаки, биз ҳамиша халқ назаридамыз. Фуқаролар ҳар бир ҳаракатимиздан огоҳ. Уларнинг яхши кунюю ёмон кунини ҳам биз билан. Шундай экан, вазифаларимизни аъло даражада бажаришимиз, фақат адолатли қонунимиз асосида ҳалол иш юритишимиз лозим.

Сухбатдош:
Мурод ТИЛЛАЕВ.

СУРАТЛИ ХАБАРЛАР



ФАРҒОНА вилояти, Риштон тумани ИИБ ДАН бўлимаси ходимлари республикаимиздан ташқарига олиб кетилаётган товар-моддий бойликларнинг қанчалик қонунийлигини текшириш борасида ҳам қатъий назорат ўрнатганлар.

СУРАТДА: туман ИИБ ДАН ходими, милиция катта лейтенанти Аҳмаджон Турсунов (ўртада) ва Қўқондан ёрдамга келган милиция сержанти Фарҳоджон Ёқубжоновлар ҳайдовчи Ш. Дадаевнинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқдалар. У Новосибирска пиёз олиб кетаётган экан. Ҳусанбой МЕЛИБОЕВ олган сурат.



БОҒОТ тумани ИИБ ДАН маъмурий амалиёт бўлимаси нозирини, мили-ция катта лейтенанти Баҳром Жуманиёвнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига қарийб ўн йил бўлди. Бу оз бўлмаган муддат уни милиция соҳасига бутунлай боғлаб қўйган. ДАН ходими сифатида бир неча содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда ўз ҳиссасини қўшди.

СУРАТДА: Б. Жуманиёв ҳайдовчи билан мулоқотда. Саъдулло БОБО олган сурат.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

ОЛҒИРЛАР

Тошлоқ туманининг "Бирлик" қишлоқ Кенгашида истикомат қилувчи Анвар Ю. ва Марғилон шаҳар Темир йўл кўчасида яшовчи маданий моллар омбори ишчиси Эркин Алар "Навбахор" жамоа ҳўжалиги аъзоси Машраб Рустамовдан икки миллион сўм талаб қилишди.

Улар фуқаро Машраб Рустамовдан 90 минг сўмни олаётганларида тезкор гуруҳ ходимлари томонидан қўлга олинди.

КЎКНОР ЕТИШТИРУВЧИЛАР

Охунбобоев тумани ИИБнинг хабарига кўра "Қорадори-93" тадбири ўтказилган вақтда нафақахўр Барот М. томорқасида 500 туп кўкнор ўсимлиги ўстираётгани аниқланди. Усмон У. эса 570 туп кўкнорни парваришлаган. Ҳар икки иш юзасидан жиноий иш кўзгатилади.

ИШИ ЧАППА БЎЛДИ

Фаргона ёғ-мой комбинати иш-чиси Даврон Ё. совун ишлаб чиқариш цехидан 1080 дона совун ўғирлаб чиқаётганда иши чаппа бўлди. Агар ҳозирги кунда устама нархда совун 500 сўм турса, 1080 дона совун қанча бўлишини ҳисоблаб кўринг.

ШОШҚАЛОҚ

Қувасой шаҳридаги 73-автокорхона ҳайдовчиси Абдулла Маҳмудов кўриқланадиган темир йўл кесишган жойда қойдани кўпол равишда бузиб, шлагбаум берклигига ва светофорнинг қизил чирोगи ениб туришига қарамай ўтаётган вақтда тепловозга урилди.

Натижа нима бўлди дерсиз? Ҳайдовчининг айби билан шу кун-ни 5 киши оғир тан жароҳати олиб, 17 кишига тиббий ёрдам кўрсатилди. Оғир тан жароҳати олган фуқароларнинг бири эса ик-ки кундан сўнг касалхонада вафот этди.

НИКЕЛЬ ЎҒИРЛАНДИ

Фаргона химия-фуран бирикмалари заводининг 7-цехидан саккиз миллион сўмлик никель ўғирланганлиги тўғрисидаги хабар шаҳар ички ишлар бўлими тезкор гуруҳ ходимларини оёққа турғизди.

Бу ишни шу цехда мастер бўлиб ишловчи Зокир Ю. қилган экан. Лекин ушбу ишни бир киши қилганмикин? Бу тергов якунида аён бўлади.

Саминжон ҚОРАБОЕВ,
Фаргона вилояти
ИИБ матбуот гуруҳи
ходими, милиция лейтенанти.

Тошкентдаги тезкор вазиятни янада яхшилаш, турли хил ҳуқуқ бузишлар ва жиноятларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда келишиб олинган режа бўйича “Бўрон-1” деб шартли номланган кенг кўламли тезкор-профилактик тадбир ўтказилди.

Пойтахт ички ишлар идоралари ходимларининг куч-ҳаракатларини жамлаб, октябрь ойининг охириг кунларидан бирида бир кеча-кундуз давомида ўтказилган бу тадбир салмоқли натижалар берди. Тадбир давомида асосий эътибор жиноятчиларга қарши кураш, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш, жиноятчи унсурларнинг Тошкент ҳудудига киришга уринишларига йўл қўймаслик учун барча хизматлар ва бўлинмалар хатти-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишга қаратилди.

Нима ишлар қилинди? Паспорт тартибини текшириш гуруҳи томонидан салкам бир ярим минг манзилгоҳ, шу жумладан 81 меҳмонхона ва ётоқхона текширилди. Белгиланган тартибни бузган 416 киши аниқланди, уларнинг ҳаммаси маъмурий жавобгарликка тортилди. Республика ҳудудига бўлиш ва ҳаракат қилиш қоидаларини бузган бир қатор чет

“БЎРОН-1” ТАДБИРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

эл фуқаролари ҳам аниқланди, уларга жами бир ярим миллион сўмдан кўпроқ жарима солинди.

Ов қуролини сақлаш қоидаларини бузганлик учун 12 милтиқ мусодара қилинди.

Участка вакиллари ва жиноят қидирув ходимларидан тузилган, ахлоқ соҳасида ҳуқуқ бузишларга қарши кураш олиб боровчи махсус гуруҳ жиноий хатти-ҳаракатлар энг кўп содир этиладиган участкаларни текширди. Натижада 26 киши тери-таносил касалликлари муассасасига текшириш учун юборилди. 27 ресторан, тунда ишлайдиган қахвахона текширилди, турмуш тарзи жамиятга зид бўлган икки юздан ортиқ киши аниқланди.

Санитария милицияси бўлинмалари томонидан 162 объект ва уй кўриб чиқилди. Аниқланган ҳуқуқ бузишлар бўйича 86 маъмурий баённома тузилди.

Давлат ёнгин нazorати идоралари томонидан кўплаб объектлар текширилди, натижада 930 объект фойдаланишдан тўхтатиб қўйилди, 214 мансабдор шахсга салкам 100 минг сўмлик жарима солинди.

Гараж ва автомобиллар қўйиладиган

жойларни текшириш чоғида етти та автомашина эгасиз эканлиги аниқланди. ДАН ходимлари йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг 758 фактини рўйхатга олдилар. Буларнинг кўпчилиги транспорт воситаларини маст ҳолда ва тегишли ҳужжатларсиз бошқариш билан боғлиқ. Уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чоралар кўрилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши, курашувчи ходимлар томонидан шохбекатлар, автобекатлар, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга мойил кишилар тўпланиши мумкин бўлган жойлар текшириб чиқилди. Бундай моддаларни суиистеъмол қилган тўрт кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Жами турли ҳуқуқ бузишлар учун беш юздан ортиқ маъмурий баённома тузилди, 78 киши ҳушёрхоналарга жойлаштирилди, салкам олти миш киши тақсимлагич-қабулхоналар ва махсус қабулхоналарга юборилди.

Тадбирни ўтказиш давомида қидирувда бўлган 11 киши ушланди, илгари содир этилган тўрт жиноят очилди.

Умуман олганда ушбу тадбирни ўтказиш чоғида жиноятларнинг очилиши 90 фоиздан ошиб кетди. Бу борада қуйидаги характерли мисолларни келтириш мумкин.

Яккасарой туманида милиционерлар томонидан янгийўллик Н. га тегишли “ВАЗ-2103” русумли автомашинани олиб қочишга уринган таксомотор парки ҳайдовчиси Ботир Ғ. ушланган.

Сирғали-7 мавзесидаги 4-уй лифтохонасида қорни ва кўрак қафасидан пичоқланган номаълум эркак кишининг мурдаси топилган. Кўрилган чоралар натижасида содир этилган жиноятда шубҳаланган шу мавзелик, ҳеч қаерда ишламайдиган Вадим А. ушланди. У ушбу жиноятни маст ҳолда, жанжаллашиб содир этганини бўйига олди.

Нафақадор Т. Ғ. деган аёл шубҳаланиб ушланди. Маълум бўлишича, у ўз уйини маиший бузуқ кишилар учун топшириб қўйиб, бунинг эвазига ҳақ олиб турган.

5-ошхона буфетчиси Суннат К. спиртли ичимликларни гайриқонуний равишда сотгани учун Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Тошкент ИИББ ходимлари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ бузишлар ҳамда жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишни давом эттирмоқдалар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Сарҳисоб

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар бир офатнинг зарарли оқибатларини тугатишдан кўра вақтида унинг олдини олган фойдали. Халқимиз орасида “Ўғри келса кўтарганича — ёнгин келса ҳаммасини олиб кетади”, деган ибора бежиз айтилмаган. Ҳақиқатдан ҳам шундай, ўғри ўғирлаган нарсани маълум бир вақт ўтса ҳам топиб қайтадан жойига қўйса бўлади, аммо ёнгин натижасида ёниб кул бўлган нарсани ўз жойига қайта тиклаш мушкул.

Тошкент вилояти Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг ходимлари томонидан жойларда ёнгининг олдини олиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўн ойи якунига қарасак, 13727 корхона, 164616 нафар фуқаролар уйларининг ёнгинга қарши ҳолати текширилиб, ёнгининг олдини олиш борасида маслаҳатлар берилди ва ёзма равишда ҳам кўрсатмалар топширилди. Вилоят ҳудудига жойлашган кинотеатрларда 2716 маротаба ёнгинга қарши кинофильмлар намойиш қилинди.

Вилоят ва туманлар рўзномаларида 218 та мақола чоп этилди, вилоят радиоси тўлқинларида ва шаҳар, туман, корхона радиоалоқаси орқали 446 марта чиқишлар бўлиб, радиосўхбатлар ўтказилди.

Ўтган даврда ёнгининг олдини олиш қоидаларига риоя қилмаган ва бу қоидаларни қўпол равишда бузаётган 7166 нафар раҳбар ходимга 4 миллион 800 сўмлик, фуқаролардан 860 нафарига эса 239485 сўм миқдорига жарима солиниб, давлат фойдасига ундириб олинди. 3474 нафар киши эса маъмурий огоҳлантирилди. Бундан ташқари давлат ёнгин нazorати кўрсатган ёнгининг олдини олиш тадбирларини бир неча йиллаб бажармай келатган раҳбар ходимларга нисбатан 22 та жиноий иш қўзғатилди.

Ўрта Чирчиқ тумани кинолаштириш бўлими директори О. Шарипов, Олимпент пахта завоидига қарашли “Кучлик” темир йўл бекатидаги юк ортиш базасининг мудир Т. Қодировларга халқ суди ҳукми билан пул жаримаси солинди.

Тошкент тумани халқ суди, шу тумандаги “Нилуфар” универмагининг директори С. Мадмуродовга нисбатан оладиган маошининг 15 фоизини олти ой мобайнида давлат фойдасига ундириб олинсин деб ҳукм чиқарди.

Ёнгин содир бўлиш хавфи бўлган 2172 та корхонанинг иши ёнгининг олдини олиш тадбирларини бажариш учун вақтинчалик тўхтатилди. Носоз электр ускуналари ва электр симлар 8185 марта токдан узиб қўйилди. Шунга қарамай айрим хўжалик, корхона раҳбарлари ва айрим фуқаролар ҳанузгача давлат ёнгин нazorати томонидан кўрсатилган тадбирларни бажаришни орқага суриб келмоқдалар ва бунинг натижасида кўплаб ёнгинлар содир бўлмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Тошкент вилояти ҳудудига жами 1942 марта ёнгин содир бўлди ва бу ёнгинлар жамиятимизга 44 миллион сўмлик моддий зарар келтирди. Ундан 1252 таси фуқаролар турар жойларида содир бўлиб, уй эгаларига 40 миллион сўмлик зарар етказилди.

Ачинарли томони шундаки, содир бўлган ёнгинлардан 310 нафар киши ҳар хил даражада куйиб жароҳатланган ва улардан 78 нафари еш болалар, 28 нафар киши эса ёнгин натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Шу йилнинг 21 октябрь кун Оҳонгарон шаҳри 2-мавзе, 2-уйнинг 23-хонасида яшовчи Мухамедовалар оиласида болаларнинг гугурт билан ўйнаши сабабли ёнгин чиқиб, иккита еш бола нобуд бўлган.

Ана шундай бахтсиз ҳодиса Ангрен шаҳри Лебедев кўчасида истиқомат қилувчи Қўзиевлар оиласида ҳам содир бўлди. У ерда ҳам уй бекаси Г. Қўзиева ўйламай-нетмай уч нафар фарзандларини уйга қамаб харид қилгани чиқиб кетади. Ёлғиз қолган 5 ёшли Тожинисо, 3 ёшли Холик, 1,5 ёшли Хайринисонинг гугурт чақиб ўйнаши сабабли хонада ёнгин содир бўлади. Натижада хонадаги пахтали кўрпача куя бошлайди. Болаларнинг учаласи кўрпачанинг тутунидан ҳалок бўлади.


Умуман хонадонларда ёнгин содир бўлишига катталарнинг масъулиятсизлиги, бефарқлиги, ўйламасдан қилган ишлари, қолаверса ёнгиндан сақланиш қоидаларига мутлақо риоя қилмасликлари асосий сабаб бўлмоқда.

Ҳудудимизнинг кўп жойларида фуқароларга уй-жой қуриш учун ерлар ажратиб берилмоқда, аммо бу уй-жойлар қурилишида кўплаб ёнгинга қарши тадбирлар бажарилмай қоляпти. Кўп жойларда уйлар бир-бирларига ёнгинга қарши масофаларсиз қурилмоқда, қурилган уйларга эса электр симларини ўрнатишда, печкалар қуришда бу ишга алоқаси йўқ, мутахассис бўлмаган кишилар хизматидан фойдаланилади. Тошкент, Зангиота туманларида бунинг натижасида кўпинча бир варақайига икки, учтагача уйлар ёниб кетди. Киш пайтида ёнгин ўчириш машинаси йўллардан юриб бора олмайди, телефон алоқаси йўқ, қолаверса ўт ўчириш учун сув ховузлари еки ариқлар қуриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти. Бундай камчиликлар ўт ўчириш машиналарининг ёнгин содир бўлган жойга ўз вақтида етиб бориши, ёнгинни муваффақиятли ўчиришга анча тўсқинлик қилади.

Мана ҳозир қиш фасли, турар жойлар, корхоналарни иситиш мавсуми ҳам бошланди. Бундай пайтларда иситиш асбобларини яна бир бор қандай созланганлигини кўздан кечиришни, дуд-буронларни тозалашни, иситиш асбобларининг фақат давлат стандартлари асосида тайёрланганларидан фойдаланишни, ишлаб турган иситиш электр ва бошқа асбобларни, телевизорни назоратсиз қолдирмаслиқни, печкаларда ўтин еқишда ёнгил ёнувчи нефть маҳсулотларидан фойдаланмаслиқни, болаларнинг гугурт ва олов билан ўйнашига йўл қўймаслиқни, умуман болаларни уйда ёлғиз назоратсиз қолдирмаслиқни яна бир бор ёдингиздан чиқармаслиқни маслаҳат берамиз.

М. ИНОЯТОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ бошлиги,
ички хизмат полковниги.

СУРАТЛИ ХАБАР



ТОШКЕНТ шаҳар ИИББ қошидаги “Қўриқлаш” бошқармасининг бўлинмасига салкам 40 та қўриқланувчи объект бirkитиб қўйилган. Улар орасида саноат корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа объектлар бор.

Биз келтираётган ушбу лавҳалар қўриқлаш бўлинмаси ходимларининг иш кунларини яққол характерлайди. Улар жамоат тартиби ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир ўз хизмат бурчларини намунали бажармоқдалар.

СУРАТЛАРДА: қўриқлаш бўлинмаси ходимларининг хизмат фаолиятдан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 19.20
"Миришкорлар". 19.55 "Писмиқ"
Телевизион бадий фильм. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул

қилинганлигининг бир йиллиги олдидан (рус тилида). 21.30 "Мерседес" хайдаган одам". Бадий фильм. 1-серия.

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 21.20. 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати". 9.00 Янгилар. 9.20 Болалар учун фильм. "Юлдузча ва кулонча". 10.05 "Олеся-ва компания". 10.35 Бурятиянинг оҳанглари ва тароналари. 11.00 Саёхатчилар клуби (сурдо таржимаси билан). 11.50 Матбуот-экспресс. 12.00 Янгилар. 12.20 "Америка М. Таратута билан". 12.50 "Рус олами".

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Олеся ва компания". 16.40 "50х50". 17.50 "Мулдор алифбоси". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "Россия сайловининг акс садоси". 18.40 "Инсон ва қонун". 19.45 Америка М. Таратута билан "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилар. 21.25 "Мўжизалар майдони". 22.25 "Твин Пикс". Ун уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия. 23.25 "Матбуот-экспресс". 23.40 "Хафтаннинг машхур киши". 24.00 Янгилар. 00.45 "Музобоз". 01.30 "Сийсий бюро". 02.10 "Авто-шоу". 02.40 "Мен деярли машхурман".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 "Кетдик". 9.10 "Осойишта уй". 10.05 "Оқ қарға". 10.50 "Ретро-шлягер". 11.20 "Катта жанжал". 11.50 Хонаки экран". "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 248-серия. 12.40 Россия телевизион театри. А. Куприн. "Гамбринус". 1-қисм. 13.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 14.05 А. Куприн. "Гамбринус". 2-қисм. 15.20 "Телегазета". 15.25 Сайерадош кўшнларимиз. "Албанияга бир назар". 15.55 Жума кун Динсей. "Қора ўк". Бадий фильм. 1-серия. 16.45 Болалар учун янгилар. 17.00 "Сатирикон" студияси. С. Альтон бенедис.

*

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Антропоизм". 20.25 "Экспомарказ" таништилади. 20.30 "Шарман-шоу". 21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Трансрэфир". 22.55 "Сигнал". 23.15 "Ўтмиш сари олға". Мусикий кўрсатув. 00.30 "К-2" таништилади. 01.20 Кечки салон.

ШАНБА

27 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Халқ куйлари. 7.50 "Маҳмадона". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Инглиз тили. 9.40 "Самолёт қайтарилди". Бадий фильм. 11.00 "Ўзбекистон. Спорт". 11.20 "Ўқитувчи-93". Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг кўрик-таълими якуни. 12.20 Форс тили. 12.50 "Мусикий учрашувлар". Чортоқ шаҳар Короскон кабелъ ижара корхонаси. 13.40 "Хужжатли экран". 14.20 "Ёшлик" студияси. "Даврага кел, дуганажон".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Кичкинтой" студияси. "Уч апельсин". Фаргона Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли. 18.45 "Қалб садолари". Телефильм. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 "Актёрлар ва роллар". Турдибек Содиков. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Янграшнинг шўх яллалар". 21.30 "Мерос". Аҳмад Яссавий. 22.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Марли саройи". Телефильм. 19.30 "Танафус". Халқ таълими вакиллари билан бевосита мулоқот. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мерседес" хайдаган одам". Бадий фильм. 2-серия.

"ОРБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20, 00.50 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Матбуот-экспресс". 7.05 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.50 Янгилар. 8.30 "Моторлар оламида". 9.00 "Марафон-15" таништилади. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 "Мусикий дўкон". 11.25 "Лаззат". 11.40 Хужжатли фильм. 12.00 "Китобхона". 12.40 "Юмор антологияси". 13.10 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8 ва 9-сериялар. 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи — Узун пайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. II-серия. 15.55 "Мулдор алифбоси". 16.05 "Пул ва сиеат". 16.35 "Ультраси". Спорт кўрсатуви. 17.15 "Қизил квадрат". 17.55 "Янгра, гармонь!". 18.40 "Қойилмақом еттовлон". 19.35 "Миниатюра". 19.45 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Ўзбилармон". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Орзу савдогарлари". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. I-серия (АҚШ). 22.20 "Петр Лешченко шарафига". Концерт. 23.05 "Резонанс" студияси таништилади. 23.25 "Фестиваллар намоиши". Салоникида халқаро кинофестивааль (Греция). 00.10 Янгилар. 00.55 Охири киносеанс. "Декалог-VIII". Телевизион бадий фильм премьераси. 01.50 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Қутичани оч". Хужжатли фильм. 8.50 "730-формула". 9.20 Мульти-пулти. 9.30 "Ҳали англамаган коинот". 10.00 "Рост" студияси. "Янгиси кимга?". 10.30 "Пилгрим". Россия саёхатлар бюроси. 11.15 "Мусиқа ййрик планда". Мюнхенда Европа мусикий фестивали.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Қутичани оч". Хужжатли фильм. 8.50 "730-формула". 9.20 Мульти-пулти. 9.30 "Ҳали англамаган коинот". 10.00 "Рост" студияси. "Янгиси кимга?". 10.30 "Пилгрим". Россия саёхатлар бюроси. 11.15 "Мусиқа ййрик планда". Мюнхенда Европа мусикий фестивали.

12.05 — 16.05

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.05 Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.15 "Дунё эшиги". 13.05 "Рангинкамон" (тожик тилида). 13.55 "Экосан" — экология ва саломатлик жамғармаси хабарномаси. 14.35 "Изланиш самаралари". 15.15 "Безнен мирас" (татар тилида). 15.55 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 "Россия меценати". 16.50 "Квадрат йлдиз остидаги чақатангалар". 17.20 Фольклор. "Шимол ёғдуси". 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00 — 20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Чегарасиз футбол". 20.55 "Евросне-ТВ" таништилади: "Феликс Крулнинг иккори". Бадий фильм. I-серия.

22.00 Туркия телевидениеси

Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда".

22.30 "Ватандошлар". 23.00 "Қсюша хузурида". 23.30 Маски-шоу. 24.00 Фильмлар премьераси. 00.15 Репортер. 00.30 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништилади: Сарик сувости кемаси клуби". 01.00 Тунги сеанс. "Кўзгу". Бадий фильм.

ЯҚШАНБА

28 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

8.30 "Маҳобхорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 42-43-сериялар. 10.00 Немис тили. 10.30 "Оламини асранг". 11.10 "Цирк! Цирк! Цирк!". 11.55 Ўзбек тилини ўрганамиз.

12.25 "Мулоҳаза". Андижон театри хақида. 13.20 "Бунёдкор". 13.45 "Агар мўъжиза юз берса". София Сафтарова. 14.20 "Ватанпарвар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Кичкинтой" студияси. "Томоша". 18.30 "Ёшлик студияси. "Истеъдод". Фатхулла Маъсудов. 19.00 "Хафтаном" (рус тилида). 19.30 "Ойнаи жаҳонда". 19.45 Дам олиш концерти. 20.30 "Хафтаном". 21.10 "Самраат". Бадий фильм (Ҳиндистон). 1-2-сериялар. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 "Мультифейерверк". 17.30 "Курьер". 17.40 "Мусикий йўлка". Мусикий кўрсатув. 18.10 "Хар соҳадан бир шингил". 18.20 "театр олами". 18.50 "Совга". 19.15 "Даракчи". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Видео-О". 21.30 "Курьер". 21.40 "Шарқ дурдоналари". 22.10 "Даракчи". 22.20 Эълонлар. 22.25 "Видео-О".

"ОРБИТА IV"

6.35, 19.00, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.40 Эрталабки гимнастика. 6.50 Рухни чиниктириш". 7.50 Янгилар. 8.30 "Авто-шоу". 9.00 "Паузасиз". 9.30 "Эрта саҳарлаб". 10.00 "Хамма уйдалигида". 10.30 Спортлото. 10.45 "Ақлли болалар ва ақлли қизлар". 11.25 "Полигон". 11.55 "Ленд-детективи". 12.40 "Саёхатчилар клуби". 13.30 Хужжатли фильм.

"КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канал таништилади:

14.00 "Француз пазандлари сизга тавсия этадилар". 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси" Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгилар. 15.15 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 15.55 "Харитадаги номлар. Саҳалин томон йўл". Илмий-оммабоп фильм премьераси ("ЦНФ"). 16.20 Мультифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овчилари". 17.10 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 17.45 "Хунари хор бўлмайд". 17.50 "Большой театр. Кунлар ва оқшомлар. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.05 "Нима? Қаерда? Қачон?". 20.10 "Киношарҳ". 20.40 "Хайрлашув гастроллари". телевизион бадий фильм премьераси. 22.00 "Якшанба". Ахборот публицистик кўрсатуви. 22.45 Мультифильмлар. 23.00 Диний кўрсатув. 24.00 Янгилар. 00.20 Хоккей ХХЛ чемпионати. 02.20 "Тонг юлдузи" — тунги эфирда.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Хужжатли фильм. 8.50 Мульти-пулти. 9.00 "Хайрли тонг!". 9.30 "Калит" кўрсатуви. "Шоҳона сафар". 10.05 "Агар сиз...". 10.35 "Рост" студияси. "Якунлар", "Соник супер-ежик". 11.05 "Ати-бати...". 11.35 "Қарама-қаршиликлар".

*

12.10 — 15.55 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.20 "Ракурс". Ноанъанавий табобат хақида. 13.00 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари". 13.30 "Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон хақида". 14.10 "Светлица польска". 14.45 "Бу ажиб дунё".

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.55 Диснейнинг сеҳрли олами. 16.50 "Хайвонот оламида". 17.50 "Экспомарказ" таништилади...

*

18.00 — 20.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.05 Эй-Би-Си якшанба оқшоми. "Аттика" бадий фильм. 21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Сиднейда Мадонна концерти. 23.55 "Қарама-қаршиликларга бой Америка". 00.25 "А" программаси. ("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

Намунали оркестр



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ Ички Қўшинларининг намунали оркестри 1993 йил 10 январда ички ишлар Вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. А. Алматовнинг буйруғи билан ташкил этилган. Унинг ташаббускори — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, полковник Григорий Ервандович Терзян. У айти пайтда намунали оркестрининг бадий раҳбари ва бош харбий дирижёр — ички қўшинлар харбий оркестр хизматининг бошлиғидир.

Катта ҳаётий тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Г. Е. Терзян қисқа вақт ичида оркестрни юқори малакали созандалар билан таъминлашга муваффақ бўлди. Жумладан, у ҳозир намунали оркестр бошлиғи бўлиб ишлаётган харбий дирижёр — капитан О. В. Назаровни ишга таклиф қилди. О. В. Назаров катта касбий билимга эга бўлиб, у шахсий таркибни тарбиялаш ва кадрларни танлаш борасида улкан ишлар қилмоқда.

Оркестрга доний равишда ердан кўрсатаётган мураббийлар ҳам кўп. Улар орасида М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг профессори Василий Пўлатов, Тошкент маданият олийгоҳининг профессори, композитор Пўлат Холиқов каби машхур мусикачилар бор.

Намунали оркестр қисқа вақт ичида Марказий Осиё давлатлари харбий оркестрлари ичида кенг танилди. Оркестрга бадий раҳбар ва бош дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, полковник Г. Е. Терзян ва оркестр бошлиғи, харбий дирижёр — капитан О. В. Назаровлар бошчилик қилишмоқда.

М. ТИЛЛАЕВ.

СУРАТДА: намунали оркестр. Р. ҚАЮМОВ (ЭКО) олган сурат.

"50000" ни кўзлаб...

"5" ни олишди.

Ҳозирги шароитда қўлидан иш келадиган киши меҳнат қилса қорни тўқ, усти бут бўлишини ҳар бир инсон сезиб турибди. Лекин ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир қабилида иш кўриб, фойда орттириш мақсадида юрганлар ҳам учраб туради. Улар деҳқонларнинг бозорга олиб келган маҳсулотларини арзон-гаровда сотиб олиб, 2-3 ҳисса ортиқ баҳода сотиб, жарақ-жарақ пул санаб олмоқдалар. Айримлари эса ўзларини "Рэкетёрлар" деб бозорга маҳсулот олиб келган деҳқонларни ҳар хил йўллар билан кўрқитиб пул талаб қилади. Ана шундай воқеа Паркент шаҳар марказий деҳқон бозорида содир бўлди. Машинада Ленинобод вилоятдан пиёз олиб келиб сотаётган Жўравой Нарзиев, Холиқназар Мусаев, Нуриддин Фиезов, Шукур Каримовларнинг олдига Паркент шаҳрида яшовчи, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Маҳмадҷон Патхуллаев ва Равшан Султоновлар "Бизлар шу шаҳарнинг рэкетчимиз, агарда 50 минг сўм пул бермасаларинг пиёзларингни машина билан кўшиб еқиб юборамиз" деб кўрқитдилар. Деҳқонлар бу ҳақда маъмурий идораларга шикоят қилишгач, Патхуллаев ва Султоновлар қўлга олиндилар. Улар 5 йилга озодликдан маҳрум этилиб, қучайтирилган ахлоқ тузатиш колониясига жўнатилди.

А. АБДУЛЛАҲАКИМОВ,

Паркент тумани ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муовини, милиция майори.

"Хўжайинлар" аро мусобақа

Одилжон Азимов кўпдан бери ёлғироқ иш топиш иилинжида юрар эди. Муроди ҳосил бўлиб таниш-билишлари кўмагида Наманган кимё заводида омбор мудирлиги вазифасини қўлга киритди. Бир ойча эл қатори ишлаб юрди. Бироқ синчиклаб ён-атрофига қараса, заводда ташмачилик авжида. Қўли эгрироқларнинг кўни туққан, кўзига яхшироқ кўринган нарсани тортиқлашга интилади. Бундай қўсқурдан заводнинг манаман деб юрган айрим раҳбарлари ҳам холи эмас экан. Одилжоннинг калласи тез ишлаб кетди. Наҳотки, қарамоғида бир неча юз миллион сўмлик тайёр буюмлар қалашиб ётган каттакон омбор бўлса-ю, ундан фойдалана олмаса?

Омбор мудирини ўз ниятига эришиш учун шериклар қидира бошлади. Қарангли, унга ўхшаб нафсига эрк берганлар талайгина экан. Заводнинг таъмирлаш-механика участкаси бошлиғи Абдубанно Умаров ва бош муҳандиснинг ҳайдовчиси Умархон Алимовлар бир ишорани қўтиб туришган экан. Учовлон дарровгина тил топиша қолишди. Келишувга кўра, А. Умаров омборчига "Бизга, фалон килограмм карбид керак" деган мазмунда хат топширди. Дарров А. Умаровнинг "Москвич" машинасига 250 кг карбид юкланди. Ҳайдовчи ўз навбатида бу камёб ашёни шу заводда ишловчи Л. Жалоловнинг уйига физиллатиб элтиб берди-да, ундан 18 минг сўмни қўртдек санаб олиб ортга қайтди. Л. Жалолов эса ўз навбатида ўғирланган карбидни О. Боймирзаев деган фуқарога қимматга сотиб, у ҳам улушли бўлди.

Биринчи "операция" ҳамирдан қил сугургандек осон ўтгач, шерикларнинг иштаҳалари карнайдек очилди. Одилжон Азимов яна ҳайдовчи У. Алимовни ўз ҳузурига чақиртирди. Бу гал машинасига 125 килограмм карбид юкланди. Ҳайдовчи бу юкни ҳам эски мижози Жалоловга 8000 сўмга пуллади, ўзи 500 сўмни кассасига жойлади, қолган 7500 сўмни омбор мудирига келтириб берди. Жалолов яна карбидни Боймирзаевга 9000 сўмга оширма қилди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидек, аста-секин завод омборини ўмарувчилар сафи кенгайиб бораверди. Корхона ишчилари И. Уматов, Ё. Абдураззоқов, завод директорининг ҳайдовчиси Б. Сиддиқовлар ҳам ўғирлик деса кўнгиллари суст кетадиганлардан бўлиб чиқди. Масалан, ҳайдовчи Боситхон Садриддиновнинг омбор мудирини О. Азимов билан ҳамкорликда уюштирган 1993 йилнинг 21 январидаги "Сигарета операцияси" шерикларнинг иштаҳалари нақадар карнай бўлиб кетганини кўрсатади. Кейинги пайтда камёб бўлиб қолган сигареталарнинг бозори чаққонлиги сир эмас. Юқоридаги икки шахс "Бўладиган бўлсанг,

бирданига бўл" дейишдию, 55860 сўмлик "Космос" сигаретаси ҳамда 9200 сўмлик "Беломорканал" папиросини яхлитгина ўмариб қўя қолишди. Б. Садриддинов бу сигарет ва папиросларни ўзи бошқараётган хизмат машинасида заводдан ташқарига олиб чиқиб, чайковчиларга пуллаб юборди. Нақд фойда омбор мудирини ва ҳайдовчи томонидан "арра" қилинди.

Муштарийлар "Ие, кимё заводида шунча торт-тортлар бўлса-ю, корхона катталари қаёққа қарашган экан" деб ажабланишлари турган гап. Ҳамма гап шунда-да. Уларнинг айримлари ўғирлик, ташмачилик каби иллатларнинг олдини олиб, пайини қирқиш ўрнига ўзлари ҳам қинғир ишларга қўл уришган. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун яна ҳужжатларга мурожаат қиламиз.

Кейинги гал омбор мудирини О. Азимов шерикликка завод директорининг ўринбосари Муҳаммаджон Нишоновни танлади. Ўринбосар омборчи орқали корхонага қарашли 82065 сўмлик ҳар хил ҳажмдаги қувурларни уйга олиб бориб қўйди. Қувурларнинг бир қисми ўринбосарнинг отаси яшайдиган Уйчи туманидаги Бирлашган қишлоғида тикланаётган маҳалла масжидига "ҳада" қилинди. Вой, азамат-ей, ахир ҳотамтойлик қилмоқчи бўлган одам ўз кассасидан берсагина ҳалол бўлади-ку.

Заводнинг яна бир каттаси, бош муҳандис Ҳакимжон Акрамов текин бўлса тошни ҳам ҳазм қиламан, деганлар хилидан экан. У ҳам омбор мудиридан ҳеч бир ҳужжатсиз 980 сўмлик "Космос", 820 сўмлик "Санкт-Петербург" сигаретлари, 500 сўмлик "Беломорканал" папироси, 4500 сўмлик ёғочни олиб кетган. Тайёрлов цехида юкчи-механизатор бўлиб ишловчи Ёқуб Абдураззоқов, завод бош ҳисобчиси Юсуфжон Нуъмонов каби ўнлаб ходимлар ҳам омбор мудирини Одилжон Азимов билан у ёки бу ҳолда жиноий тил бириктириб давлат мулкни ўмаришган. Қисқаси, О. Азимов омбор мудирини бўлиб ишлаган беш ой муддат ичида давлатнинг оз эмас, кўп эмас, 1248213 сўмлик маблағи талон-тарож этилган.

Ўнлаб кишиларни бирлаштирган жиноий гуруҳ фаолиятига Наманган шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлини маси катта терговчиси, милиция майори И. Бўронбеков ва иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлини маси бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Х. Ҳожиевлар олиб борган ҳаракатлар натижасида чек қўйилди.

И. КАРИМОВ,
ИИБ матбуот гуруҳи ходими,
милиция майори.
Ҳ. ҲАКИМОВ,
вилоят ИИБ тергов бўлими
бошлиғи, милиция
подполковниги.

Қашқадарё вилояти ИИБ ИЖК ходимлари шу йилнинг сентябрь, октябрь ойларида текширув ўтказиб, савдо ходимлари томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларини аниқлади.

Китоб шахрида жойлашган 127-дўкон сотувчиси Мансур Муҳаммадиев шу йилнинг 10 сентябрь кўни харидор Бурхон Бобоқулловга 57 метр газмол ва 9 кг. 800 грамм конфет сотиб, 37.350 сўм ўрнига 54.600 сўм олган ва унинг 17.249 сўминини ўзлаштирган.

Дўкон кўздан кечирилганда пештахта остида яна 91.400 сўмлик чет эл маҳсулотлари топилди.

Шу дўконга қарашли омборхона кўздан кечирилганда

Савдодаги савдолар

эса 2 миллион 420.001 сўмлик ноёб моллар яширинча сақланаётганлиги аниқланди. Буниси ҳам майли. Текширишда яна шу нарсани аниқландики, дўкон мудирини Зулфия Ҳамроқуллова бўлса-да, у ўз вазифасини қайирига Санобар Каримовага юклаб қўйибди.

Яна бир мисол. Шу шаҳарда жойлашган, Китоб матбуот жамиятига қарашли 3-дўкон "Тайёр кийимлар" бўлими сотувчиси Алишер Хўжаев бир харидордан 1000 сўм пул ортиқча олиб қолаётган пайтда ушланди. Дўкон ва омборхона кўздан кечирилганда 6 миллион 143.740 сўмлик моллар очик савдодан

Ўз боласининг юришини орзу қилмаган, қачон гапирар экан деб интизор кутмаган, катта бўлганда уйлантириш, турмушга беришни ўйламаган инсонни ким деб аташ мумкин?

Тўлқин Тоштанов армия сафидан қайтаётиб, ўзи билан қишлоққа севган қизини олиб келди. Бир неча вақт яхши ҳаёт кечира бошлади. Лекин хурсандчилик, ички-ликбозликдан бўшамаган Тўлқин охир-оқибатда ишдан бўшатилди. Ана, энди унинг кейинги ҳаёти бошланди. Тўлқинга оғир иш тўғри келмасди, чунки енгил ҳаёт, дўппи ҳидлаб ароқ, вино ичишга ўрганганди. Бора-бора онасининг нафақасига кўз олайтира бошлади, синглисидан пул қарз олишга ўтди. Ичкилик хумори хотинининг кетиб қолишига олиб борди. Чунки хотини уч-тўрт йил чидаб-яшади, қарасаки, Тўлқинбой кўчада ухлаб қолишни одат қилди.

Тўлқин одамларникида ҳар хил иш қилиб ҳаёт кечириб юрди. Кейинги ҳаёти фақат ички-

"Ўхшатмасдан учратмас" дейдилар

ликбозликдан иборат бўлиб қолди. Синглиси уни яхши йўлга бошлаш мақсадида ўзи яшаб турган ҳовлида турар- жой солиб берди ва уйлантириб қўйди. Бирмунча ҳаёти яхши томонга ўзгаргандай бўлди. Беш фарзанд дунёга келди. Аммо хотини эри билан тенг ичиладиган аёл бўлиб чиқди. Бундай аҳволни сезган милиция участка вакили болаларни ҳисобга олиб, балоғат ешига етмаган ёшлар билан шуғулланадиган назориятга ҳужжат топширди. Ойла бўйича ҳар томонлама профилактик ишлар олиб борилди, лекин нафи тегмади. Эр-хотин болаларини уйига қамаб ўз дарди билан кетавердилар. Болалардан сўралганда ота-онаси уч-тўрт ҳафталаб уйига келмаслигини йўғлаб гапириб


бердилар. Милиция ходимлари уларга озиқ-овқат олиб беришиб, боқиб қолган кўнлари ҳам бўлди.

Шундай қилиб, фарзандлар болалар уйларига жойлаштирилди. Вояга етмаганлар билан шуғулланувчи назорият бошлиғи, милиция майори Азизбой Мадғозиев томонидан ҳужжатлар йиғилиб, эр-хотин ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Шундай бўлишини уларга хабар қилганда, улардан олинган жавоб сўзи шундай бўлди: "Сизлар эмас, давлат боқадим".

Т. РАСУЛТОВЕВ,
Бўстонлик тумани ички ишлар
бўлими бошлиғининг шахсий
таркиб ишлари бўйича
ўринбосари, милиция майори.

ДИРЕКТОРГА НИМА КАМ?



Учқўрғон тумани нон комбинати директори Пазилдин Султонов иш-билармон чиқиб қолди. У қўл остида ишловчи Абдугаппор Уктамов, Абдулла Қаҳҳоровларни ишга солди. Учқўрғон дон маҳсулотлари комбинати омбор мудирини Қосим Мамадалиев билан тил бириктириб, ҳар бир килоси 160 сўмдан бўлган 119340 сўмлик унни Қирғизистон Республикасига сотгани олиб кетишганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ишбилармон директор устидан суриштирув ишлари қизиб кетди. П. Султонов 102 қоп унни юқорида номлари тилга олинган шерикларига 120000 сўмга нақд пулга сотиб юборгани маълум бўлди. Бундан ташқари директорнинг уйи тинтув қилинганда 32 дона 9 мм.ли жанговар ўқ топилди.

Вожаб, директорга нима етишмаётган экан-а?

ЗўР-У!

Поп тумани Пунгон қишлоғида яшовчи, марказий шифохонада назоратчи бўлиб ишловчи Ю. дори дўконидан 300 флакон гемодезининг ҳар бир донасини 316 сўмдан 94800 сўмга сотиб олиб, уни Тожикистон Республикаси Ашт тумани, Шайдон посёлкаси марказий шифохонасида врач бўлиб ишловчи З. деган шахсга 180000 сўмга сотиб, 85.700 сўм фойда кўрган.

Бу иш юзасидан ҳам суриштирув бошланган.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ.
Наманган вилояти.

ГУЛДАЙ СЎЛДИ

Нодирани ёшлиғида синфдошлари ҳинд қизларига ўхшатишданми, кўпроқ ҳинд кинофильмларини ёқтирар, санъатга иштиёқманд эди. Мактабда энг аълочи ўқувчи ҳисобланарди. У Қарши давлат дорилфунунининг талабаси бўлди. Лекин... Орзулари энди қанот езаётган бир пайтда гулдек сўлди...

Нодирани синфдоши Комил Жонқобилов севиб юрарди. Мактабни битириш кечасида унга уйланиш нияти борлигини айтган Комил рад жавоби эшитди. Шунда у Нодирадан ўч олишни олдиға мақсад қилиб қўйди.

Ёзги таътилга келган Нодира кечкурун укалари Фуркат, Самад, Жамшид ва Наргизалар билан қишлоқ томошагоҳига кинога борди. Шунда Шахрисабз қишлоқ ҳўжалик техникумининг ўқувчиси, собиқ синфдоши Комил Жонқобилов унинг енига ўтириб тегажқлик қила бошлади. Нодиранинг жаҳли чиқиб укалари енига бориб ўтирди. Дашном еган аламзада Жамшид унинг ҳаракатлари оғир ботди, ўч олиш нияти кучайди. Томошагоҳдан тўғри уйига келиб, ошхонадан пичоқ олдида, Нодиранинг кинодан қайтишини пойлаб турди.

Кинофильм тамом бўлгандан сўнг Нодира собиқ синфдошлари билан суҳбатлашиб уйга томон қайтар эди. Синфдошлари билан хайрлашиб, укаси Жамшид ва синглиси Наргизалар билан уйи томон бурилганда Комил тўсатдан пайдо бўлиб, тўппа-тўғри бостириб келди ва Нодиранинг кўкраги, қорни, биқинига уч маротаба пичоқ санчди. Дашном еган аламзада Жамшид Комилнинг елкасидан тортиб ажратмоқчи бўлганда, унинг қўлига ҳам енгил тан жароҳати етказиб, қочиб қолди. Нодирага шифохонада тиббий ёрдам кўрсатилса-да, у вафот этди.

Ўн гулидан бир гули очилмаган Нодиранинг қалбиди кўпгина орзулари бор эди, аммо қонхўр Комилнинг пичоғи тигандан чил-парчин бўлди.

Яқинда Қашқадарё вилоят суд ҳайъати Комилни 15 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Н. ИСМАТОВ,
Б. АЛИҚУЛОВ.

НАВБАТ УЧИНЧИСИГА ЭДИ

Зангиота тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Баҳодир Холматов хизмат хонасига кириб хатлар билан танишиб чиқаркан, навбатчининг қўнғироғи фикрини бўлди.

— Қатортол қишлоғидан оқиб ўтувчи Бўзсув дарёсида номаълум шахс жасади топилибди, — дея хабар берди навбатчи.

Бошлиқ тезда тергов гуруҳи ва туман прокурори билан жасад топилган жойга етиб борди. Марҳумнинг икки оёғи кесиб олинган, тахминан 20-25 ёшлар атрофида эди. Жасад бузила бошлаганди. Энди бу даҳшатли жумбоқни ечиш зарур. Тергов гуруҳига жиноят- қидирув бўлини маси бошлиғи, милиция майори К. Турдиметов, катта тезкор ходимлар, милиция катта лейтенантлари Р. Симдоров, А. Худойназаров, милиция лейтенантлари С. Иброҳимов, С. Череншиков, прокуратурадан алоҳида ишлар бўйича катта терговчи С. Тожибоевлар киритилдилар. Бир неча тахминлар, режалар ишлаб чиқилиб, текшириш бошланди. Дарё бўйини икки томондан бутун туман ва Тошкент шаҳри бўйлаб қадам-бақадам текширилди, қидирувда юрган жиноятчилар, муқаддас судланганлар, бедарак йўқолганлар жасад билан солиштирилди, юзлаб одамлар

билан учрашилди. Аммо ҳеч бир умидли янгилик кўринмасди. Ҳамма нарсани жасадининг шахсини аниқлашга боғлиқ эди. Тезкор тергов гуруҳи аъзолари ишни бўшаштирмадилар. Бунинг орасида бир қанча бошқа жиноятлар очилиб кетди. Қўрилаётган ҳар бир тадбир бўлим бошлиғи Б. Холматовнинг алоҳида назоратида эди. Ниҳоят калаванинг учи топиладек бўлди.

Экспертизада аниқланган белгилар натижасида у Юнусобод туманилик бедарак йўқолган К. В. эканлиги маълум бўлди. Шундан сўнг ишлар анча тезлашди. Бир қанча машаққатли ишлардан сўнг жиноятни содир этган Б.И. исмли шахс шубҳа остига олинди. Дастлабки сўроқларда у ўзини қўйининг оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Аммо қилни қирқ ёрадиган тезкор ходимлар ва терговчи тўплаган рад қилиб бўлмас далиллар олдида у таслим бўлди ва айбини бўйнига олди. Қотил 1992 йилнинг октябрь ойларида одам ўлдириб яширинади, гувоҳларни йўқотиш учун улардан бирини Россияда ўлдириб келади, иккинчисини юқоридаги йўл билан тинчитади. Энди эса учинчисини ўлдириш ҳаракатида юрган экан.

А. ДАМИНОВ,
Зангиота тумани ИИБ
бошлиғи ўринбосари,
милиция майори.

ЗИЁД АКАНИНГ БАХТИ

Суратда катта оила тасвирланган: тўрт қатор бўлиб ўтирган ва турган ёшлар, кексалар, эркаклар ва аёллар. Уларнинг ҳаммаси ҳушчақчақ кайфиятда. Зиёд ака ва Меҳри опа Дўстматовлар ўзларининг ўн икки фарзандлари, қирқдан ортиқ нева-эваралари қуршовида юзларидан нур ёғилган ҳолда ўтирибдилар. Шубҳасиз, бундай катта бахтга ҳар ким ҳам мушарраф бўлавермайди.

Зиёд ака шошилиб сўзларкан, хотирлаётган воқеаларни яна бир маротаба бошидан кечираётгандек бўлади. Йигирманчи йиллар бошларида косиб оиласида туғилди, мустақил ҳаёт йўлига жуда эрта кирди. Етти йиллик мактабни тугатиб, топография билим юртида ўқий бошлади, лекин уруш туфайли уни битира олмади. 1942 йил май ойида армияга қақирилди. Сержантлар тайёрлайдиган мактабни битириб, Сталинград фронтда пулемётчи бўлди.

— Бўлиммамиз трактор заводи яқинида мудофаада турарди, — дейди Зиёд ака. — Генерал Чуйков қўмондонлигидаги қўшинлар фашистларни қаттиқ исканжага олмоқда эди. Жуда қаттиқ жанглар борарди, бир жангда оғир яраландим. Дала госпиталида даволангач, Харьков, Днепрпетровск, Брестни озод қилишда иштирок этдим, Польшадан ўтдим, урушни Германияда тугатдим. Яна яраландим, "Жасорати учун" медали билан тақдирландим. 1944 йилдан ҳарбий топографлик қилдим, билим юртида олган билимдан амалиётда — жанг майдонида фойдаландим. 1946 йил охирида армия хизматидан бўшаб, қадрдон Тошкентимга қайтдим.



Зиёд ака уруш тўғрисида батафсил ҳикоя қилишни истамайди, бир неча ёрқин лавҳаларнигина айтиб берди. Чинакам жангчилар ана шундай бўлишади.

Тинч ҳаётга қайтган кечаги аскар ундан ўз ўрнини топишга ҳаракат қилди.

— Аскарлик ҳаётига жуда кўникиб кетган эканман, — давом этади Зиёд ака. — Қайтиб келганимдан сўнг тўғри ички ишлар идораларига мурожаат қилдим. Фельдгерлик алоқасида оддий ходим бўлиб ишлай бошладим. Бу хизмат ўзига хос бўлиб, ходимлардан доимо ҳушёр, жуда ҳам интизомли бўлишни талаб қилади — қисқаси, у кўп жиҳатдан дипломат чопарлар ишига жуда яқин эди. 1947 йилдан то ҳозиргача хизмат пил-лапоясининг амалда ҳамма поғоналаридан ўтдим, оддий ходимликдан бўлинма бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковнигига бўлган йўлни босиб ўтдим.

Ўттиз етти йиллик хизматим давомида эсда қоладиган лавҳалар кўп бўлган. Бир воқеа

эсимга тушиб кетди. Эллингичи йиллар ўртаси эди. Йўловчилар ташиладиган вагонда шеригим билан юк олиб кетаётган эдик. Нимамиз биландир тўртта бадкирдорнинг эътиборини ўзимизга торттибмиз. Кейин маълум бўлишча, улар бизни пул олиб кетаётибди деб ўйлашган экан. Улар вагонда тўполон чиқариб, пичоқ билан бизга ҳужум қилишга уриниб кўрдилар. Биз ўқотар қуролдан фойдаланмасданок, бир неча секунд ичида уларни қуролсизланттирдик ва кейинги бекатда милициянинг темир йўл бўлимига топширдик.

Лекин 1946 йил Зиёд аканинг хотирасида бошқа воқеа билан ҳам эсда қолган. Айни ўша йили у ўзининг бўлғуси умр йўлдошини учратди, уларнинг ахил ва кейинроқ ўзидан кўпайишган оиласи дунёга келди. Етти ўғил ва беш қизни ўстириш, тарбиялаш ва ҳаётга йўллаш осон бўлмаган, албатта. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдан ўз йўлини топган, халқ хўжалигининг турли тармоқларида хизмат қиладилар, икки ўғил эса отанинг изидан боришди — улар ички ишлар идораларида хизмат қилмоқдалар.

Зиёд ака билан оилавий суратни яна бир марта кўздан кечирамиз.

— Бу ерда ҳаммамиз тушган эмасмиз, кўпчилик турли сабаблар билан кела олмаган эди. Лекин буни тўғрилаймиз, икки орада албатта ҳаммамиз йиғиламиз.

Зиёд ака буни комил ишонч билан сўзлади. Бугун унинг 70 йиллик юбилеи нишонланганидан кун. Уни қутлагани табаррук ота даргоҳига барча фарзандлар, нева-эваралар йиғиладилар. Ҳамма гап суратчининг маҳоратида қолган.

А. СТЕПАНОВ.



АБАДИЙЛИККА МУНОСИБ

Мустақиллик халқимиз қалбидида меҳр-мурувват, оқибат, инсонпарварлик булоқлари кўзини қайтадан очди. Айни пайтда амалга оширилаётган хайрли ишлар бунга яққол далилди.

Яқинда Навоий шаҳрида ана шундай хайрли, савоб ишлардан бири амалга оширилди. Шаҳарнинг обод ва кўркем кўчаларидан бири ҳисобланган Парда Очилов номидаги кўчада унинг бюсти ўрнатилди. Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг собиқ ходими, хизмат бурчини ўтаётиб, мардларча ҳалок бўлган милиция сержанти Парда Очилов бюстини очиш маросимида унинг фарзандлари, қариндошлари, ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Парда Очилов ҳақида икки оғиз сўз. У Кармана шаҳрида таваллуд топган. Ҳарбий хизматини ўтаб қайтгач, дурадгор уста бўлиб ишлаган, 1970 йилда ички ишлар хизматида қабул қилинган.

Фуқаро Вепренцев хотинига жисмоний тазйик кўрсатиб, уни ўлдираман деб турган пайтда бўлимга хабар келди.

Парда Очилов ҳаммаси билан "Октябрь 50 йиллиги" кўчасида яшовчи тартиббузар Вепренцевни тинчлантириш учун борди.

Хона эшиги ичкаридан беркитилгани учун П. Очилов ва А.

Ражабовлар болохона орқали ичкарига кирмоқчи бўлишади. Кўзи қонга тўлган уй эгаси аввалдан тайерлаб қўйган портлагични ишлатиб юборади. Кучли портлаш натижасида П. Очилов воқеа содир бўлган жойда фожиали ҳалок бўлади.

Парда Очилов вафотидан сўнг "Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Эл-юрт ўзининг фидойи, довурак фарзандини унутмади. Марҳум Парда Очилов номига қўйилган кўча бошланишида унинг бюсти ўрнатилиб, руҳи яна бир бор шод этилди.

Маросимда вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Раҳим Каримов, шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов, ўқитувчи Исмаил Раҳматов, ички ишлар идоралари собиқ ходими Абдулло Ражабовлар сўз олиб, бу жой шаҳар ва вилоят меҳнаткашларининг, ешларнинг муқаддас ва қутлуг қадамжойларидан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар. Шу кун бу ерда ички ишлар хизматида янги қабул қилинган 10 нафар ходим тантанали равишда қасамёд қабул қилди.

Санд МУҲАММЕДОВ, Навоий вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг нозир.

Суратда: учинчи авлод унутмайди!

"ДИЛИМНИНГ РАНГИНИ ГУЛ БИЛСА БЎЛДИ..."

Таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби Обид Юнусов номи нафақат мамлакатимизда, балки хорижий юртларда ҳам маълум ва машҳурдир. Муҳарририят топириғи билан журналист Дилмурод Саййид Обид Юнусов ҳузурида бўлиб, суҳбатлашиб қайтди. Қуйида ушбу мусоҳаба билан танишасиз.

— Аввало, "ҳисобли дўст айрилмас", деган нақлга амал қилсак. Яъни қачон ва қаерда туғилгансиз? Санъатга кириб келишингиз ва шу кунгача ижро этган ролларингиз тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Мен Тошкентда "Чақар" маҳалласида 1934 йили 20 ноябрда таваллуд топганман. Тўғриси, мен театрга туғилганман, десам муболага бўлмас. Чунки марҳум отамиз Юнус Ражабий Янгийўлдаги "Тошсовет" театрида ишлардилар. Бу театр 1943 йили Тошкентга, ҳозирги Муқимий театри биносига кўчирилди. Менинг болалигим театрга ўтди.

Шу кунгача мукамал, етук актёр сифатида сахнада юздан ортиқ, кинода эса ўттиздан зиёд роль яратдим. Мингдан кўпроқ фильмда овоз берганман.

— Тўғриси, Обид Юнусов деганда санъат мухлисларининг кўз ўнгига қўлида дутор билан: "вой-вой, қарамайсиз", деб турган ўтқурий гавдаланади. Шу ролингиз ҳақида сўзлашсак.

— Гапнинг очиги, бу ролни ўзим сўраб олганман, десам хато бўлмайди. Асли "Ўтқурий"ни ўйнайдиган одам машғулот вақтида 15 кунга гастролга кетиб қолди. Режиссёр Ш. Қайомов ишнинг тўхтаб қолишини истамади. Кейин бош режиссёр Т. Хўжаев дуторни қўштирди. Натижа эса кўргангиздек чакки бўлмади: саккиз юз марта ўтқурий образида сахнага чиқдим.

— Ишқилиб, ҳаётда ўтқурий эмасмисиз?

— Бундай ҳазил саволни кўпчиликдан эшитганман. Ҳаётда бутунлай аксиман. Кўнглим очик, бировга сира ёмонлиқни раво кўрмайман. Умримда ҳеч кимни ақалли бир марта шапалоқ билан ҳам урган эмасман. Албатта, сахна ва кинодагиси ҳисобга қирмайди. Умуман шоир айтганидек:

"Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Маним кимлигимни эл билса бўлди".

— Санд Аҳмадининг машҳур "Келинлар кўзголини"да сахнада бошқая, кинода бошқа ролни ижро этгансиз. Айтинг-чи, улардан қайси бири сизга маъқул?

— Ҳар бирининг ўз афзаллиги бор. Яъни, сахнадаги Маъмур образи — биринчи яратилганлиги билан бўлса, кинодаги милиция бошлиғи образи бошқа мамлакатлар экранларида намойиш этилганлиги билан афзалдир. Ҳозирги кунда бу фильм Американинг йигирма штатида намойиш этилаётган. Мен бундан фахрланаман.

— Оилангизда яна санъаткорлар борми?

— Ўз оиламда йўқ. Икки нафар ўғлим муаллим. Лекин мактабда ўқитган набирам мактаб сахнасида Алишер Навоий ролини ижро этибди. Ажаб эмас, у келгусида санъат йўлидан бора.

— Ўзингизга устозу шогирд деб кимларни биласиз?

— Устозим таниқли санъаткор Наби ака Раҳимовдир. У кишидан институтда ҳам таълим олганман. Наби ака ижро этган ролларни ҳам ўйнаганман. Масалан, "Йўлчи юлдуз"да Гани, "Номаълум киши"да Азамат образлари.

Биринчи шогирдим эса Эркин Комилов. Умуман, театримиздаги еш актёрлар билан устоз-шогирддекман.

— Яқинда пойтахтимизда "Шарқ-Ғарб театри анжумани" бўлиб ўтди. У ҳақда фикрингиз?

— Дарҳақиқат, бу жуда улкан иш. Менинг назаримда, бу мустақиллик шарофати, бу — маънавий раванг йўлидаги катта одим. Биз ҳам Шимолий Ирландия, Шотландия, Англия каби мамлакатларда бўлгандик. Асосан, аждодларимиз сиймосини намойиш этдик. Мен Алишер Навоий ҳазратлари сиймосида чиқдим.

— Сўнгги савол. Сир эмаски, ҳозирги вақтда томошабин масаласи муаммога айланган. Бу муаммонинг келиб чиқишида айб театрдаги ёки томошабиндаги?

— Тан олиш керакки, ҳозирги кунда асосан комедияларга талаб катта. Кўпинча, бу муаммони нарх-навога боғламоқчи бўлишади. Менимча, ундай эмас. Халқимиз санъатни, маънавиятни ҳеч маҳал пулга чақмаган. Ҳатто ўз вақтида томошабинлар бир сўмлик чиптани қўлдан 25 — 50 сўмга олиб, театрга киришган ҳоллари ҳам бўлган. Яна қайтараман, ҳозирда талаб асосан комедияларга. Лекин халқнинг дардини, қувончини акс эттирувчи ҳар қандай асар томошабинсиз қолган эмас.

— Мароқли суҳбатингиз учун муштарийлар номидан ташаккур айтаман.

ЁДИМИЗДАСАН ДОИМ...

(Қуролланган жиноятчининг қўлга олиш пайтида қурбон бўлган Кўқон шаҳар ИИБ жиноятларнинг олдини олиш хизмати бошлиғи, милиция майори Раҳматжон Миртожиевнинг порлоқ хотирасига бағишлайман).

Кўзингизда ўтлинг газал,
Тилда қандинг бор эди.
Биридан бири асал,
Беш фарзандинг бор эди...

Билар эдинг суйинини,
Болам, бўтам дер эдинг.
Билар эдинг қуйинини,
Жоғим — Витан дер эдинг.

Тинч замонда бургутдай,
Сени отди бир ёмон.
Қора сочи булутдай,
Ёринг қолди, Раҳматжон!

Чиксин, деб кўкрагингизга
Қадалган кўргошинини.
Беш фарзандинг бузлади,
Тошга уриб бошини.

Кўкрагингизни чангаллаб,
Қонга ботдинг, Раҳматжон.
Биз уйқуда эканмиз,
Сен уйғотдинг, Раҳматжон!

Кўзлар катта очилди,
Сен бўлдинг бизга маёқ.
Ёмонлар ҳали бор деб,
Бизни қиласан оғоҳ.


Ёдимиздасан доим,
Унутмаймиз ҳеч қачон.
Энди сени худойим,
Раҳмат қилсин, Раҳматжон...

Баҳодир ИСО,
Риштон тумани.

ТИББИЙ АСБОБ АСЛАХАЛАРИ СЕМИНАР-КЎРГАЗМАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ТИББИЙ ТЕХНИКАНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАЛАРИ

“ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” фирмаси томонидан ташкил
этилган кўргазмада намоиш этилди.



Республика ИИБ Марказий поликлиникаси биносига тўрт кун давомида замонавий тиббий ускуналар кўргазмаси намоиш этилди, уни хориждаги тиббий ва тижорат доираларида яхши танилган “ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” фирмаси ташкил қилган эди.

Бу фирмага узок вақт Американинг тиббий ускуналар ва реактивлар ишлаб чиқарувчи турли концернларида ишлаган иқтидорли бизнесмен Р. Столярский томонидан 1989 йилда асос солинган.

“ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” АҚШ, Япония ва Германиянинг ўттизта фирмасида ишлаб чиқариладиган тиббий ускуналар, дори-дармонлар, лаборатория реактивларини сотишга ихтисослашган, у тиббиётнинг стоматология, лаборатория диагностикаси, офтальмология, эндоскопия ва кардиология каби тармоқлари учун керакли тиббий асбоб-ускуналарни таклиф этади. Ҳар бир ходими юқори малакали мутахассис бўлган фирма ўз олдига фақат маҳсулотни сотиш ва унга техникавий хизмат кўрсатиш мақсадини қўймаган. У яқин истиқболда бутун дунёга танилган

фирмаларнинг асбоб-ускуналари ва реагентларини МДХ мамлакатларида ҳам ишлаб чиқаришни кўзламоқда.

“ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” хорижий фирмалар ичида биринчилар қатори нафақат Москвада, балки Минск, Рига, Олмаотада, яқинда эса Тошкентда ҳам ўз ваколатхонасини очди ва рўйхатдан ўтказди.

Тошкент кўргазмасида нималар намоиш этилди? Кейинги ўн йил ичида эндоскопия клиника жарроҳлигининг мустақил бўлимига айланди. Клиника амалиётига лалароскопик ва тораскопик операцияларнинг татбиқ этилиши жарроҳлиқни гоёда ривожлантирди, бу операциялар ўзларининг самарадорлиги бўйича даволашнинг анъанавий жарроҳлик усулларидан қилинмайд.

даволашнинг унумли эканини тасдиқламоқда. Кўргазмадаги эндоскопик ускуналарни Американинг шу соҳадаги етакчи ва энг кекса фирмаси бўлган “CIRCON-ACM” тасдиқ этган.

Кўргазма меҳмонларида гематологик анализаторларнинг кўп турлилиги катта қизиқиш уйғотди, улар ёрдамида қилтомирлар ва кўктомирдаги қонни 8-20 параметрлар бўйича анализ қилиш мумкин. Бу ерда шунингдек им-мунофермент анализи ва тест тизими учун асбоб-ускуналар намоиш этилди, улар бутун дунёдаги эндокринологлар, онкологлар ва аллергологлар ўртасида катта шухрат қозонган.

“ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” фирмасининг стоматология бўйича дастури энг ёш дастур бўлиб, асосланганига эндиgina бир йилдан ошди. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ у АҚШнинг бу соҳадаги йигирмадан ортиқ етакчи фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқда, бу эса харидорларга стоматология кабинетлари учун ҳам, тиш қўйиш лабораториялари учун ҳам тўлиқ ҳажмдаги асбоб-ускуна ва материалларни таклиф қилиш имкониятини беради. Кўргазмада маҳсулотлари энг машҳур фирма замонавий стоматологик қурилмалар ва мебель ишлаб чиқарадиган “А-ДЕС” фирмаси бўлди.

“NIDEK” фирмаси (Япония) дунёда кўз шифокорлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган етакчи компаниялардан биридир. Унинг асбоб-ускуналари жуда пишиқ, замонавий электроникага асосланган, кўп функцияли, фойдаланишда қулай, замонавий безакли, шуниси муҳими, унча қиммат эмас. Офтальмология учун кенг доирада асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш — компаниянинг афзал жиҳатларидан биридир, унинг маҳсулоти ҳам кўргазмадан катта ўрин олди.

— Тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий фирмалар кўргазмада намоиш этаётган экспозиция тиббиётнинг бугунги кундаги жаҳон миқёсидаги техникавий даражасини энг тўлиқ акс эттиради, — дейди ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги А. Жумаев. — Тиббиёт ходимлари, шу жумладан ички ишлар идоралари шифокорларининг кўпчилиги ҳам кўргазма маслаҳатчилари ёрдамида кўп жиҳатдан ноёб бўлган асбоб-ускуналарни кўриб чиқиш имкониятига эга бўлдилар. Биз Японияда ишлаб чиқарилган замонавий офтальмологик техника комплексларини, Германиянинг гинекологик ускуналари, кўннинг формали унсурларини аниқлаш ва биокимёвий тадқиқотлар ҳамда анализларни аниқлаш учун лаборатория анализаторлари, шунингдек ички касалликларнинг тадқиқ қилиш ва даволаш учун фиброхоланскопни сотиб олдик. Бинобарин, ички ишлар идораларининг ходимлари энди самаралироқ тиббий ёрдам олишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда ички ишлар идораларининг тиббий муассасаларини илғор техника ва ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилмоқда, ана шу кўргазма ҳам бу йўналишда олға қўйилган катта қадам бўлди. Бундан кейин ҳам “ЭКО-МЕД-ПОЛЛ” фирмаси билан ҳамкорликнинг ривожланишига ишончим комил, алаҳусус, Тошкентда унинг ваколатхонаси ҳам ишламоқда.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.
Суратларда: деворий кўргазмалардан бири; кўргазма меҳмонлари гинекологик техника билан танишмоқда.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ
олган суратлар.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар, Миробод тумани ИИБ томонидан бедарак ишқолган Денис Николаевич Федорченко ва Иннокентий Олегович Меркуловлар қидирилмоқда. Д. Н. Федорченко 1980 йилда туғилган, 110-мактабнинг 8-синфида ўқиган, шу тумандаги Иванов кўчасидаги 12-уйнинг 33-хонадонида яшаган. Унинг дўсти И. О. Меркулов 1978 йилда туғилган, РУПЦНТ техника лицейида таҳсил олиб, Иванов кўчасидаги 12-уйнинг 25-хонадонида яшаган.

Иккала ўсмир 1993 йил 29 октябрда бирга уйдан чиқиб кетишган, хозиргача уларнинг қаердалиги номаълум.



Д. Н. Федорченконинг белгилари: бўйи 145-150 см, озгин, сочи оқш, кўзлари тўқ жигарранг.


У кулранг куртка, гулли қора свитер, тўқ жигарранг вельвет кўйлак, хаворанг жинси шим, оқ майка, рангли труси кийган, оёғида оқ ранг кроссовка, қўлида қора пластмасса соат бўлган.

И. О. Меркуловнинг белгилари: бўйи 180-185 см, гавда тузилиши ўртача, оқш калта сочли, кўзлари оч сарик.



У қора болонья курткеси, тўқ хаво ранг куртка, “Ливентуль” деб ёзилган тўқ хаворанг варенка кўйлак, қора шим, ип газламали хаво ранг майка, оқ труси, тўқ хаворанг пайпоқ, қора туфли кийган эди. Осиб юриладиган портфели, оқ металлдан ясалган соати бўлган.

Ўсмирларнинг қаердалигидан хабардор бўлган ёки уларни учратган кишилардан 91-58-02, 91-35-74 телефонлари ёки 02 орқали хабар беришларини сўраймиз.



Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани ИИБ ва қариндошлари томонидан 1978 йилда туғилган, Пахтачи тумани, Охунбобоев номи жамоа хўжалиги, 1-бригадасида яшайдиган **Санъат Озодович Шаропов** қидирилмоқда. У шу йилнинг 26 октябр кўни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 165 см, атрофида, сочи пастга таралган, малларанг, кўзлари қўнғир рангда.

Кийими: эғида оқ йўл-йўл кўйлак, қизил рангли свитер (бел қисмида гулли бор), малвина шим, оёғида кроссовка бўлган.

С. Шариповнинг кейинги тақдирдан воқиф бўлганлар бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар берсалар гамнок отанинг дардига малҳам қўйган бўлардилар.



Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ИИБ томонидан Бекобод шаҳар, Нуробод кўчаси, 13-уйда яшовчи, 1983 йилда туғилган **Алишер Иброҳимович Хусанбоев** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 11 июнь кўни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 155 см, атрофида, гавда тузилиши ўртача, сочи, қош ва кўзлари қора.

Кийими: эғида оқ кўйлак, қора шим, оёғида оқ рангли спорт пойабзали бўлган.

А. Хусанбоевнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда Бекобод шаҳар ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



воқиф бўлганлардан бу ҳақда Ҳамза тумани ИИБга 96-60-81, 96-60-72 рақамли телефонлар орқали ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ИИБ ва қариндошлари томонидан 1983 йилда туғилган, Ҳамза тумани, Кашшоф кўчаси 10-уйда яшовчи, **Салоутдин Алауддинович Симириқулов** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 9 ноябр кўни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: лўли миллатига мансуб, сочлари сариқ ва сийрак қош ва кўзлари қора, қулоқлари катта, тишлари бутун.

Кийими: эғида қора пальто, оқ жемпер, оқ кўйлак, қора лавсан шим, оёғида қора резинка этик, сариқ пайпоқ бўлган.

Алоҳида белгилари: туғма руҳий касал, 1-гурух ногирони, тожик тилида гаплаша олади, ис-мини билади. Орқа бўйин қисмининг юқорисиди ёрилишдан қолган чандиқ, оёқларида яралардан қолган доғлар бор. Оқсоқланиб юради.

Салоҳиддиннинг қаердалигидан

1993 йилда Тошкент Давлат университети томонидан **Собир Абдуллаевич Алимардонов** номига берилган 000301 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқш ўлон қилиниши мумкин бўлган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 658, 33.029 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир ўринбосари
Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.